

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 190 (10.495) / 2005 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида бозор муносабатлари изчиллик билан татбиқ этилмоқда, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг мулкдорлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, коммунал хизматлар ҳақини тўлашдан олинган маблағлардан оқилона фойдаланишга қаратилган фаолияти кучайтирилмоқда.

Коммунал хизматлар тарифлари асосиз оширилишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб боришмоқда, коммунал соҳага энергияни тежайдиган технологиялар татбиқ этилмоқда, муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ҳорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давоми 2 - бетда.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил

28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик Тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

Давоми 2 - бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Парламентнинг юқори палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусига бағишланди.

Давра суҳбатида адлия, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, соғлиқни сақлаш вазирликлари мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар иктимой ҳаракатининг вакиллари иштирок этди.

Тадбир шартликлари мамлакатимизда ҳарбий хизматни ташкил этиш ва фуқароларнинг ҳарбий хизматини ўтатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чакруви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томо-

нидан қабул қилинган қарорнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишида уларнинг ҳарбий хизматини ўтатиш борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳамда бурчларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мудофаа ва мамлакатни ҳимоя қилишга оид қридаларини, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳамда бошқа қўшинлар олдига қўйилган вазифаларни тўлиқни тўриш, ҳарбий қасамднинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Уставининг мамлакатимизда профессионал армияни шакллантиришга ёрдам берадиган асосий талабларини ўрганиш ҳам

катта аҳамиятга эга, деган фикрлар билдирилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан армияда ўтказилаётган илохотлар ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлашга доир ишларда улкан аҳамиятга молик эканлиги алоҳида таъкидланди.

Суҳбат асосида ҳарбий қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашга, бу муҳим ишни асосан жойларда ўтказишга, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини илохот этишининг бошқа ҳуқуқий жиҳатларига тааллуқли қонунчи ҳужжатларини қабул қилиш масалалари муҳажма этилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 сентябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатлари стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган. Бунда 2004 йилнинг июнь ойида Россия раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома муҳим ўрин тутди. Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда алоқаларни янги босқичга кўтаришга қаратилган. Бу алоқалар ҳарбий техника етказиб бериш, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳарбий таълим, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ахборот алмашиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ва Россия президентларининг келишувларига мувофиқ, мамлакатларимиз минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, террорчилик ва экстремизмга, нарқобизнес ва трансмиллиий уюшган жиноятчиликка, қурол-яроқларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ушбу ҳамкорлик доирасида 21-23 сентябрь кунлари «Форис» полигонидан илк бор Ўзбекистон ва Россия қуролли кучларининг қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди. Бу машқлар ўзбекистон — Россия муносабатлари янги сифат сатҳидандалаплаттир.

Бу машқлар муҳим халқро аҳамиятга ҳам эга. Афғонистонда наркотик ишлаб чиқариш суръати ва ҳажми ошиб бораётгани сир эмас. Ундан олинган даромадининг асосий қисми халқро террорчилик ва диний экстремизмни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон билан Россиянинг қўшма машқлари террорчилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлики такомиллаштиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон ва Россия ҳарбийларининг қўшма антитеррор машқлари мамлакатларимизнинг минтақда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги мақсад ва манфаатлари муштараклигидан далolat экани таъкидланди.

— Ўзбекистонга ташрифингиз нафақат ушбу машқлар билан боғлиқ, балки ривожланиб бораётган алоқаларимизнинг яна бир белгиси ҳамдир, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Аслида ҳамкорлик муносабатлари мана шундай тадбирлар билан тараққий этиб боради.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили имзоланган шартнома муҳим ва ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат эканлигини ҳам таъкидлади.

Сергей Иванов самийий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, Россия Ўзбекистон билан бу йўналишдаги ҳамкорлиқни ривожлантириб бораверишга тайёр эканлигини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

ҚИССА

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида республика «Маҳалла зиёси» ўқув услубий марказида Бектемир ва Миробод туманларининг маҳаллалари тизимида фаолият кўрсатаётган сардор ва посбонларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув-семинари ташкил этилди.

• **МИРЗО** Улугбек туманида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижросини

таъминлаш йўлида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг амбуланс хизмати томонидан тумандаги 19 ёшдан 40 ёшгача бўлган хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш мақсадида улар кўриқдан ўтказилди.

• **ҲАМЗА** туманидаги «Наврўз» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг саломатликларини сақлашга бағишланди. Худди шу каби тадбирлар Шайхонтоҳур ва Учтепа туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

XXI саҳоси
Хаср Барча маълумлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Тошкентдаги Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган «Гибандликка қарши экстрим» III Ёшлар фестивали спорт ва санъат орқали ёшларимизнинг барқамол вояга етишларига қўмақлашиш, соғлом ҳаётни тарғиб этишга бағишланди.

• **Бойсун** тумани пахтакорлари қабул пунктларига 505 тонна қимматли хом ашё етказиб бериб, Сурхондарё вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди.

• **VISA INTERNATIONAL** уюшмасининг ижроия қўмитасида «КАПИТАЛБАНК» акциядорлик-тижорат банкини аъзоликка қабул қилишга қарор қилинди. Бу яқин келажақда «КАПИТАЛБАНК» миқдорлиги VISA тизими халқро пластик картчаларни бўйича хизмат кўрсатилишини аналтади.

• **Навоий** шаҳридаги «Электримёзаводи» ёпиқ акциядорлик жамиятида супер фосфат ишлаб чиқариш линиясининг иккинчи навбати ишга тушди. Натижада корхона ойига 2,5 минг тоннадан ошми маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

• Қарши шаҳар марказий шифохонасига Японияда ишлаб чиқарилган қиймати 12 миллион сўмга яқин бўлган янги аппарат ўрнатилди. Қулай, диаметри кичкина ушбу аппарат қизилўнғач, ошқозон ва 12 бармоқли ичакдаги нуқсонларни аниқ кўрсатади.

Жаҳонда

• 3 октябрда Туркияни Европа Иттифоқига қабул қилиш тўғрисида музокаларинг бўлиб ўтди. ЕИ вакилларининг асосий талаби — Кипр Республикасини тан олиш. Вакиллар ЕИга кириш учун Туркия маъмури ушбу ташкилотнинг барча аъзоларини расмий равишда тан олишлари лозимлигини алоҳида таъкидлади.

• **Мексика** жамоат хавфсизлиги вазири вертолёт ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, бордаги 9 кишининг бирортаси ҳам тирик қолмади. Ҳозирда мамлакат пойтахти Мехико яқинидаги тоғларда юз берган мазкур фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

• Буюк Британия махсус хизматлар вакиллари яширин камералар суратга олган кадрларни ўрганиб, 7 июлдаги Лондон метросида террорчилик ҳуружини уюштирган жиноятчилар мазкур воқеадан 9 кун илгари ўз жиноятларини машқ қилганлар, деган фикрга келишди.

• **Бeverли** Хиллсдаги қим-ошди савдосида қадимий ноёб олтин танга 253 минг долларда сотилди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда шундай тангаларнинг атиги 12 донаси сақланиб қолган.

**Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ**

“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

1) XIII боб қуйидаги мазмундаги 179⁻модда билан тўлдирилсин:

“179⁻модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек, ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ҳодимларга тақдим этмаслик

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиб ва юритиш, ушбу ҳисобварақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланиш

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.”

2) 245-модданинг биринчи қисми “179” рақамидан кейин “179” рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, №2, 65-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 112, 124-моддалар, №9, 229-модда; 2001 йил, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда; 2002 йил, №9, 165-модда) 37-моддасининг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоси билан тўлдирилсин: “Иш берувчи томонидан ўз ҳодимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари”;

ўнинчи хатбосини ўн биринчи хатбоси деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги 343-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, №2, 42-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда; 2003 йил, №5, 67-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда) 9-моддасининг учинчи қисмидаги “ҳамда унинг давлат пенсияси таъминоти” деган сўзлар “унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги 349-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, №2, 48-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда; 2003 йил, №5, 67-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда) 12-моддасининг иккинчи қисмидаги “ҳамда давлат пенсия таъминоти” деган сўзлар “унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №5, 89-модда, №9-10,

182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №4-5, 74-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, №5, 152-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) 31-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 28-банд билан тўлдирилсин:

“28) Халқ банки – фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган даромадлар буйича”;

2) 58-модда қуйидаги мазмундаги “э” банд билан тўлдирилсин:

“э) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар буйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари”;

3) 63-модда қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

“Иш берувчи юридик шахслар жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушлаб қолingan солиқ суммасини жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари суммаси миқдоридан камайтирган ҳолда бюджетга ўтказадилар”;

4) 71-модда биринчи қисмининг 3-банди “шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмаси” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 474-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, №9, 232-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2000 йил, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда; 2004 йил, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 4-модданинг иккинчи хатбосини қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини, шунингдек, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилишини назорат қилиш”;

2) 5-модда биринчи қисмининг 1-банди “ҳамда тўлаш” деган сўзлардан кейин “фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритиш” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 6-модда биринчи қисмининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“1) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши, шунингдек, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишлари”.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган “Банк сирини тўғрисида”ги 530-II сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2003 йил, №9-10, 144-модда) 3-моддаси қуйидаги мазмундаги хатбоси билан тўлдирилсин:

“жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар”.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

I.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 23 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ФАРМОНИ

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

2005 йилнинг 1 январидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи буйича «нулинчи» ставка жорий этилган, бу эса коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналарининг сарф-харажатларини камайтириш ва тарифлар ўсишини чеклаш имконини берди.

Шу билан бирга, жойларда тарифларнинг аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатида мувофиқлиги, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан тегишли назорат таъминланмапти. Иссиқлик ва ичимлик сув исрофгарчилигини камайтириш, улاردан оқилонга фойдаланиш, уй-йўл фондини ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, коммунал хўжалик қорхоналарининг унумисиз харажатларини исқартириш чора-тадбирлари етарли даражада амалга оширилмапти.

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, тарифларнинг асосий ўсишига йўл қўймастик, шунингдек, коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадда:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йилда марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти буйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар тарифларининг миқдори 10 фоиз бўлган фарқини иссиқлик таъминоти қорхоналарига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2006 йилги Давлат бюджети параметрларида аҳолига марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти буйича кўрсатилаётган хизматлар тарифларидаги фарқларини қоплашга маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда энергияни тежайдиган технологияларни тадбиқ этиш, қозончона ускуналарини, иссиқлик тармоқларини капитал таъмирлаш ва кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик тадбирларини ўтказишга Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамаси: 2006 йил мобайнида коммунал хўжалиги қорхоналарини молиявий ва техник жиҳатдан реструктуризация қилиш, 2007 йилдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатадиган марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминотининг ўзини-ўзи тўла қоплашга ўтиши буйича ҳаракатлар дастурини амалга оширсин;

коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантириш, хусусий қорхоналарнинг коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иштирокчини кенгайтириш, барча истеъмолчиларни энергия ва сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш асосида энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш борасида тизимли чора-тадбирлар бажарилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари республика аҳолисига, биринчи галда кузги-қишки даврда, яхши турмуш шароитини таъминлаш, кўрсатилган коммунал хизматлар учун маблағлар тўлиқ йиғиб олиниши ва тарифларнинг асосий оширилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти буйича хизматлар босқичма-босқич ўзини-ўзи қоплашга ўтказилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида оғохлантирилсин.


5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сонли Фармонининг 2-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

I.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 23 сентябрь



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

• Шимолий Корея ядровий дастурлари борасида олиб борилган 6 томонлама келишувларнинг тўртинчи босқичи муваффақиятли аяқланди. Бу галги келишувларга раислик қилган Хитой ташқи ишлар вазири ўринбосари У Дав Эй сўзига кўра,

охирги уч йил ичида олиб борилган келишувларнинг якуний натижалари хайрли бўлди. Ҳазор тўзилган битимга биноан Шимолий Корея ядровий қурол ишлаб чиқаришдан воз кечди.

• Германия канцлери Герхард Шредер ва Христиан Демократлар иттифоқи бошлиғи Ангела Меркеллар юзма-юз учрашишга қарор қилишди. Улар шу йилнинг 18 сентябрида бўлиб ўтган парламент сайловлари сабабли мамлакатда юзага келган боши берк вазиятни ўзаро бартараф этишни муҳокама қилишади.

• Афғонистонда миллий ҳукумат органлари ва мамлакат парламентига сайловлар бўлиб ўтди. Овоз бериш жараёни хавфсизлик чоралари қучайтирилган ҳолатда ўтказилди. Кузатувчиларнинг маълум қилишича, 6 миңдан кўпроқ сайлов участкаларида ёпилиш арафасида ҳам минглаб одамлар овоз бериш учун навбатда туришган. Сайлов натижалари октябр ойи охирида эълон қилинади.

• АҚШ қирғоқларига яқинлашиб келаётган “Рита” довули табиий офатлар тарихидаги энг йи-

рик довул бўлиши мумкин. Америка миллий кузатиш марказининг хабарларига кўра, “Рита” довули шамолининг тезлиги соатига 280 километрни ташкил этиб, Луизиана, Техас ва Оклахома штатининг шарқий ҳудудларига 60 сантиметрлик ёғингарчилик олиб келмоқда. Кузатиш марказининг директори Макс Мэйфилдининг таъкидлашича, “Рита” Катрина” довулига қараганда йирик вайронагарчиликка олиб келиши мумкин.



ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Россиянинг халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги доирасида 21-23 сентябрь кунлари мамлакатимиздаги «Фориш» полигонида қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди.

Халқаро терроризм инсоният бошига қора қўланка ташлаб турган бир пайтда унга қарши кенг қамровли кураш олиб бориш жаҳон ҳам-жамияти олдидаги долзарб вазифалардандир. Сўнги йилларда дунёнинг кўплаб давлат-ларида, жумладан мамлакатимизда содир этилган террорчилик хужжатлари, хусусан, шу йилнинг май ойида Андижонда рўй берган қонли воқеалар ҳар биримизни янада огоҳ ва сергак бўлишга ундайди.

2004 йилда Россия президентининг мамлакатимизга ташрифи чоғида Ислоҳ Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолаган эди. Ушбу ҳужжат ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

«Фориш» полигонидан икки мамлакат қўрли қўчаларининг қўшма антитеррор тактик машқларининг ўтказилиши ҳам бу йўналишдаги ҳаракат ва мақсадларимиз муштарак эканини яна бир қарра исботлади. Машқларга Ўзбекистон ва Россия Қўрғоли Қўчаларининг тоғ-ўқчилар ва ҳаво-десант бўлинмалари жалб этилди.

Уч кун давом этган ҳарбий машқлар чоғида халқаро террорчиларнинг кўпорувчи-террорчи гуруҳларини йўқ қилиш бўйича ўқув машқлари бажарилди.

Ҳарбий машқлар учун айнан тоғли ҳудуддаги «Фориш» полигони беҳиз танлангани йўқ. Чунки террорчи тўдалар мамлакатларимиз сарҳадларини кўпчилик тоғли ҳудудлар орқали бузиб ўтишга уринганини биламиз.

Ўзбекистон билан Россия антитеррор ўқув-машқи қатнашчилари гўёки тоғ ҳудуди орқа-

ли «бостириб қирган террорчилар тўдасини» топиб, йўқ қилиш бўйича олдиндан ишлаб чиқилган махсус операцияни амалга оширди. Машқлар давомида ҳар икки томон ҳарбийлари жанговар топшириқни бажаришда мавжуд қуроллардан фойдаланиш маҳоратини намойиш этди.

«Террорчилар тўдасини» топиш ва йўқ қилишда авиациядан ҳам фойдаланилди. Қийин тоғ шароитида ва «тинч аҳрли яшайдиган манзил»да амалга оширилган бу машқларни ҳар иккала томоннинг ҳарбийлари аъло даражада уддалади-лар.

Машқларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов, Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов кузатди.

Россия мудофаа вазири машқлар ҳақида ўз таъбирлари оқсак маҳоратини намойиш қилганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон билан Россия ўртасида илк бор ўтказилган ушбу машқларда ҳарбийларимиз бир-бирларини тўлиқ тушунган ҳолда ҳаракат қилдилар, айтиш мумкинки, катта натижаларга эришилди, — деди С.Иванов. — Терроризмга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиш тажрибаси амалда синовдан ўтказилди. Бирлашган гуруҳлар қўйилган вазифани беҳато ва аниқ бажарди. Ушбу машқлар ҳарбийларимиз бир-биридан ўрганиши мумкин бўлган жиҳатлар ҳам кўп эканлигини намоян этди. Бундай ҳарбий-ўқув машқларини давом эттириш ниятидамуз.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири
Сарвар Ҳурмонов(ЎЗА)
олган суратлар.



Жуматларга

МУАММОЛАР ЕЧИМИ БЕЛГИЛАНДИ

Ҳозирда маҳалла фаолиятига жиддий эътибор қаратилаётганининг самараси ўлароқ, бу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш бўлимида ишлар кўлами янги-ча босқичда амалга оширилмоқда. Бирок ютуқлар мавжуд бўлган ҳолда камчилик ва нуқсонларнинг кўзга ташланиши рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шу маънода Ҳамза тумани Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан олиб борилаётган ишлар, режада белгилаб қўйилган юмушлар тез-тез таҳлил ва танқид чигиринидаги ўтказилиб борилади.

Куни кеча Ҳамза тумани ҳокимлигининг мажлислар залида Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви ва хотин-қизлар қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган туман ҳокими Шўҳрат Абдуқодиров маҳаллаларда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти, ободонлаштириш ишларининг бориши, кўп қаватли уйларнинг жорий таъмирдан чиқарилиши ва қишки мавсумга тайёр-гарлик масалаларига

сузтақшиқлар, муаммолар ҳақида тўхталиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан туман ФХДБ бўлими мудираси Шохиста Пулатова Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорларини туман миқёсида таъкид-рилиши тўғрисида қисқача

маълумот берди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, оилада ёшларни никоҳ муносабатларига тайёрлаш, аввало, ота-онадан жуда катта масъулиятни талаб этади. Ота-она баалоғат ёшидаги йиғит-қизнинг энг яқин сирдоши бўлиб қолиши зарур. Бундан ташқари Тошкент шаҳар «Соғлом авлод учун» жамғармасининг тиббий патронаж кўма «АМБУЛАНС» бригадаси томонидан туманда исти-қомат қилувчи, кам таъминланган ногирон ва боқувчисини йўқотган оилалар, болалар ва ҳомиладор аёлларни тасдиқланган ҳақда асосида тиббий кўриқдан ўтказиш юза-сидан ҳар бир маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раис-салари ва маслаҳатчилари масъуллигида белгилаш иш-ларини олиб бориш ва бу ишларда маҳалла, ролини ошириш зарурияти бор.

Учрашувда муҳома этилган шу каби масалалар юза-сидан тегишли қарор қабул қилинди ва керакли вазифалар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Милоҳаза, милоҳаза

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР БУНАҚАСИНИ КИДИРИБ ТОПОЛМАЙСИЗ

«Чилонзор» буюм бозорига мавсумий пойабзал харид қилгани бор-дик. Пештахталар тўла маҳсулот. Истаган нарсангиз топилади. Лекин ҳамма жойда нарх ҳар хил. Хатто бир хил маҳсулотларнинг баҳоларида ҳам анча-мунча тафовут бор.

Расталарни оралаб юрдик. Пойабзаллар баҳосини сўраб-суриштирдик. Маъқул келганини кийиб кўрсак, бири катта, бири кичик келди. Ни-ҳоят бир жойдан ўзимизга маъқул келганини топдик.

Маҳсулот бизга манзур бўлганини сезган сотувчи аёл: «Бунақасини кидириб тополмайсиз. Бозорда ўзи битта. У ҳам бўлса сизга аталган», деб мақтовини келтириб қўйди.

Нарҳини сўрадик.

— От билан тўя бўлармиди, — деди сотувчи худди пойабзални бизга текинга бериб юборгудек оҳангда. — Олақолинг, сизга сув текин — 25 минг сўм.

— Жуда қимматку.

— Кунни кеча худди шунақасини 30 мингга сотганман. Сизга 5 минг ташлаб берайманку, ажаҳон. Ўзингиз кўриб турибсиз, маҳсулотга гап йўқ.

— 20 минг берайлик.

— Кўймадингиз, кўймадингизда, майли сизника ҳам, меники ҳам эмас, 23 минг берақолинг.

Хуллас талашиб-тортишиб 22 мингга харид қилдик. Расталар бўйлаб борар эканмиз, яна бир дўкандан худди мана шунақа маҳсулот турганини кўрдик. Қизиқиб ичкарига кирдик. Сўраб-суриштирсак, пойабзалнинг катта-кичиклиги ҳам қўлимиздаги билан бир хил. Нарҳини сўрадик.

— 18 минг, камми бор, — деди сотувчи.

Орадаги фарқ оз эмас, кўп эмас 4 минг сўм. Шунинг ўйлаб қўлимиздаги пойабзални эгасига қайтармоқчи бўлдик. Лекин орада бўлиб ўтадиган ноҳуш гапларни ҳис этиб, бўлганича бўлди дедикда, пойабзалнинг қўлтиқ-лаб уйга жўнадик. Шунда хаёлимизга кексаларнинг: «Инсоф сари бара-ка» деган сўзлари келди. Лекин унга ҳамма бирдек амал қилавермас эканда. Нима бўлганда ҳам инсофли бўлганимиз яхши.

Ҳамид НОСИРОВ

ОДАМЛАР БОР...

Ўтган йили бир дўстимиз қизини турмушга бериши муносабати билан эрталабки ошга таклиф этди. Биз улфатлар тўй эгалари билан тўплани-шиб давра қуриб турган эдик. Тўйхонадан сал нарироқда бир машина келиб тўхтади. Кабинадан басавлат киши тушиши билан тўй эгалари сер-гак тортишди, келган меҳмоннинг истиқболига пешовоз чиқибди. Меҳ-мон сертакаллуф мезбонлар қуршовида ичкарига олиб кирилди.

Кейин билсак, бу одам мансабдор экан. Ичкарида ҳам унга алоҳида иззат-иқром кўрсатилди. Махсус безатилган хонага бир ўзини таклиф эттишди. Зериктириб қўймаслик учун дилтортар яқинларидан бири унга ҳамроҳ бўлди.

Кузатиш ҳам шунга яраша. Зарбоп тўн унинг елкасига ташланди. Бир ишора билан ҳайдовчи йиғит дарҳол чопонини хўжайиннинг елкасидан олиб тахлаб қўлтиққа урди. Хайр-хўш ниҳоясига етган, тўй эгалари енгил тортишди.

Яқинда шу дўстимиз яна бир кичик қизини узатди. Одатдагидек эр-талабки ошга тўпланиб, эшик олдида келди-кетдини кузатиб турсак, яқин атрофимизга машина келиб тўхтади. Ундан тушган басавлат киши қан-дайдир кўзимизга иссиқ кўринди. У ҳеч қандай тақаллуфсиз эл қатори ичкарига кириб кетди.

Қаерда кўрганман, деб ўйлаб турсам, тўй эгаларидан бири қулоғимга шипшиди.

— Ҳозирги келган одамни танидингизми?

— Эҳолмай турибман.

— Юкори лавозимда ишларди. Ушанда атрофидан мулозаматчилар аримасди, ўтказгани жой топишолмасди. Яқинда ишдан кетдию, яқаланиб қолди.

Шунда ҳаммасига тушундим. Инсон обрў-эътиборини у эгаллаб тур-ган лавозими билан ўлчайдиган одамлардан ранжидим.

Садириддин ТОЛИПОВ

УНГА ИШОНГАН ЭДИМ

Ҳурматли таҳририят, очиги бу гапни ошқор айтишдан ҳам хижолат тор-таман. Айтсам тилим, айтмасам дилим қуядиган ҳолатдаман. Лекин мени-нинг бошимга тушган бу савдо ўзига ишонувчан одамлар бошига тушма-син, деган фикрга бориб, ушбу мактубни сизларга ўйладим.

Ҳал шундаки, бундан бир неча йил муқаддам узоқ кўришмай кетган мактабдош ўртоқларимиздан бири ялиниб-ёлвориб қарзга пул сўраб кел-ди. «Сўраганининг бир бети, бермаганининг икки бети» деганларидек ил-тимосни рад эта олмадим. Унга ишондим. У пулни санаб ола туриб, бир ҳафтадан кейин албатта қайтариб беришга ваъда берди.

Орадан ҳафта ўтди, ой ўтди. Ундан хабар бўлмади. Йил ўтган, уни кидиришга тушдик. Мактабдошимни истаёй-истай, уйдан топдим. У мени қуюқ кутиб олди. Олдимда ўта хижолатлигини айтиб, узр сўради. Яна бир ҳафта муҳлат беришимни илтимос қилди.

Рози бўлдим. У келмади. Ана шундан кейин сарсонгарчилик бошлан-ди. Қидираман, на уйдан, на бошқа жойдан топаман. Аёлдан сўрасам: «Бу уйга келмай қўйганига анча бўлди. Хатто болаларидан ҳам хабар ол-май қўйган», деган гапни айтиб мени қайтарди.

Бир кунни уни маст ҳолда автобусда учратиб қолдим. Мени кўриб, кўрма-ганга олди. Машинадан тушмоқчи бўлганида олдида чикдим. Ҳеч нарса бўлмагандек саломлашди. Ўртаимиздаги қарздан оғиз очдим, қайтариби беришини илтимос қилдим.

— Қанақа пул? — деди у кўзини лўқ қилиб, — мен сендан қачон қарз сўрадим? Туш кўрясанми ёки мени биров билан дағиритясанми?

— Лолу хайрон бўлиб қолдим.

— Бошимни қотирма, — деди у охирида. — Қани гапнинг рост бўлса исботингни кўрсат?

Аччиқ устида ёқасидан олдим. Бош-қўзи аралаш бир-икки мушт ту-шурдим. Бу қилмишим учун ҳозир у мени қаматиш илтижою, мен эса унга берган қарзимни қандай қилиб бўлсада, ундириш ҳаракатида юриб-ман. «Яхшиликка — ёмонлик» деб шунинг айтсалар қарақда.

Маъруф СОДИҚОВ

Шахримиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида ҳар бир туманнинг тутган ўзига хос ўрни бор албатта. Масалан, айрим туманларда ишлаб чиқариш салоҳияти кучли бўлса, бошқаси илм-маърифат масканларига бой, учинчисидида дам олиш гўшалари мўл. Хуллас, ўн битта туманнинг ўз қиёфаси, тутган ўрни бор.

Энг кенжа ва истиқболли Бектемир тумани ҳам аҳолиси нисбатан кам, худуди мўъжаз бўлса-да кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар боис кундан-кунга чирой очиб, гўзаллашиб бораётгани билан эътиборга лойиқдир. Мустақиллигимиз билан деярли тенгдош бўлган мазкур туманда ўтган йиллар давомида кўплаб маданий-маиший объектлар, замонавий гузарлар қад ростлади. Бир нечта йирик ишлаб чиқариш корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Марказий Осиёда ягона бўлган "Гольф-клуб" нафақат туман, балки бутун шахримиз фахри ҳисобланадиган бетакрор ва ноёб иншоот бўлиб, бу ерда кўплаб нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилиб турилади. Жаҳон андозаларига мос 18 та майдоннинг мавжудлиги бунга имкон беради.

Туман марказида жойлашган «Астробод» маҳалла гузари тумандаги Мустақиллик йилларида бунёд этилган энг мухташам иншоотлардан бири ҳисобланади. 700 ўринга мўлжалланган гузарда туман аҳолисининг энг хушнуд дамлари нишонланади. Барча қулайликларга эга Г.Красницкий номидаги стадион ҳам туман аҳолисининг мазмунли ҳордиқ чиқариши, спорт машғулотлари билан мунтазам равишда шуғулланишларига имконият яратиб беради.

Эртанги нурафшон келажак учун дадил қадам ташлаётган туманда аҳолининг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнатга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан «Тонг машъали» хусусий корхонасига иш ўринларини ташкил этиш мақсадида 20 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда туманда фаолият юритаётган «Мармакс» (бетон темир йўл шпаллари) ва «Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» қўшма корхоналари ҳам айнан Истиқлол йилларида бунёд этилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги йилдан-йилга ошмоқда.

Умуман, туманда 450 дан зиёд йирик, кичик ҳамда хусусий бизнес субъектлари фаолият кўрсатади. Шундан 50 га яқини хорижий инвестициялар иштирокида тузилган корхоналардир.

2005 йилнинг олти ойи давомида туманда sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 26,9 миллиард сўмни, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат даромадлари 6,1 миллиард сўм (102,6 фоиз)га, туман бюджети — 730,4 миллион сўм

(102,9 фоиз)га тенг бўлди.

Тумандаги 5 та умумтаълим мактаблари ва 2 та боғча-мактаб мажмуаси 2004-2005 ўқув йилини 5966 нафар ўқувчи билан бошлади. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида 292-мактаб биноси жорий таъмирланмоқда. 291-мактабнинг ўқув мебелларининг деярли асосий қисми янгиланди. Дастурдан ташқари 289, 290, 291-

циядорлик компаниясининг «Куёв механика заводи» ҳам жойлашган бўлиб, бу ерда тармоққа тегишли эскирган вагонлар тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда.

Ҳозирда Чирчиқ дарёси бўйлаб қурилаётган тўғонлар оралиғида табиат қўйнида йирик дам олиш масканини бунёд этиш кўзда тутилган.

Гапни бежиз узоқдан бошламадик. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили о

ишлаб чиқариш корхоналари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, мактаблар директорлари, маҳаллалар оқсоқоллари ҳамда ҳокимликнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда «Оқшом» газеталарининг бош муҳаррири А.Ақромов сўзга чиқиб, «Тошкент оқшоми» газетасининг «туғилиш» тарихи, анъаналари, мавзу йўналишлари, ижодий жамоа, бўлимлар фаолияти тўғрисида батафсил тўхталиб

лари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, ўринли таклифлар киритишди. Жумладан, «Зийрак бобо шаҳар кезади», «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» рўкни остидаги материалларнинг ўқимишли эканлиги, «XXI аср садоси», «Пойтахтнинг бир куни» хабарчалари эса шахримиз, республикамиз ҳамда бутун жаҳондаги энг сўнгги янгилклардан бохабар бўлишга жуда қулай имкон яратишини айтиб ўтишди.

этишни режалаштириб қўйганмиз.

Олим СИДДИҚОВ, «Маънавият ва маърифат» маркази Бектемир тумани бўлими бошлиғи:

Савол: — Газетанинг асосий мавзу йўналишлари нималардан иборат?

Жавоб: — Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси бўлганлигимиз учун кўпроқ шу йўналишдаги мавзуларни ёритиб борамиз. Муштарийлар пойтахтнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, маданий-маърифий, таълим соҳасидаги янгиланишлар, туманлардаги янгилклар билан мунтазам танишиб боришлари мумкин. Бироқ, мавзулар қўлама чекланмаган бўлиб, дам олишга йўналтирилган материалларни ҳам бериб борамиз.

Илҳом АЛИМОВ, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши раиси:

Савол: — Ҳозирги кунда ёшларимиз лотин алифбосида таълим олишяпти. Бинобарин, уларнинг зеҳнларини ошириш йўлида сканворд, кроссвордларни лотин алифбосида бериб боришнинг имкони борми?

Жавоб: — Ҳар ҳафта дам олиш саҳифаларида турли мавзулардаги сканворд ва кроссвордларнинг берилиши кўп йиллик анъаналаримиз сирасига киради. Келгусида муаллифлар билан ушбу мавзунини маслаҳатлашиб, болажонларимиз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳабибулла ИЛХОМОВ, туман ҳоқими ўринбосари вазифасини бажарувчи:

Савол: — Газетада илгарилари «Шанба оқшомида» саҳифаси орқали қизиқарли ва ўқимишли материаллар бериб борилар, уларни оила аъзоларимиз билан бирга мириқиб ўқир, айримларини муҳокама қилардик. Ушбу саҳифа келаси йилда тикланса нур устига нур бўларди...

Жавоб: — Тўғри, газетамизда ҳозирда ушбу саҳифа йўқ. Бироқ, таҳририятнинг келаси йилга мўлжаллаган ижодий режасида газетамизнинг «Шанба оқшомида» номли иловасини чиқариш кўзда тутилган. Унда турли мавзулардаги энг қизиқарли мақолалар, кичик суҳбатлар бериб борилади...

Тадбир сўнггида учрашув қатнашчиларига «Тошкент оқшоми» кутубхонаси туркумида чоп этилган «Оз-оздан ўрганиб доно бўлур» китобчалари таққатилди. Туман ҳоқими Акмал Ҳошимжонов газета жамоасига ижодий парвозлар тилаб қолди.

Бевоқита мулоқотдан сўнг таҳририят ижодий ходимлари тумандаги янгиланишлар билан яқиндан танишиш мақсадида, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ҳам бўлишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: очик мулоқот ва туманнинг бугунги қиёфасидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



293-мактаб биноларида янги 2005-2006 ўқув йилига таъмирлаш ишлари охирига етказилди.

Ўтган йиллар мобайнида тиббиёт соҳасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, 525 кишига мўлжалланган шифохона тўлиқ қувватга эга бўлди.

Маданият ва спорт бўлими тасарруфида 5 та кутубхона, 2 та маданият уйи ва 1 та болалар мусиқа мактаби мавжуд. Ҳозирги кунда туман маданият бўлими томонидан спорт иншоотларини сертификатлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Туманда спортнинг 11 тури бўйича 40 та спорт тўғараклари йўлга қўйилган. Уларга 2370 нафар ўқувчилар жалб этилган.

Бундан ташқари, туман худудида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ак-

бошланган кезларда жойларда газетхонлар билан юзма-юз мулоқотлар уюштириб, янги йилдаги режалар, кўзда тутилаётган янгиланишлар, таҳририят фаолияти билан яқиндан таништириш, муштарийларни қизиқтираётган саволларга жавоб қайтарган ҳолда келгусида ўринли таклиф ва мулоҳазалардан фойдаланиб бориш «Оқшом» газеталарининг кўп йиллик хайрли анъаналари қаторига киради. Бу йил ҳам ушбу анъанага содиқ ҳолда газетанинг ижодий ходимлари шахримизнинг барча туманларида учрашувлар ўтказишади. Бевоқита мулоқотларнинг биринчиси айнан Бектемир туман ҳокимлигида бўлиб ўтди ва унда юқорида таъкидлаб ўтилган туман ҳаётидаги ютуқлар ва янгиланишлар хусусида ҳам сўз борди.

Учрашувда туман фаоллари — йирик

ўтиб, йиғилганлар эътиборини айниқса, кейинги пайтларда амалга оширилаётган хайрли янгиланишларга қаратди. Ҳафтада беш марта чоп этилаётган газеталарда материалларни тезкор тарзда чоп этиш, энг долзарб мавзулар юзасидан таҳлилий мақолалар бериб боришга алоҳида аҳамият қаратилади. Деярли ҳар бир сонда бериладиган қўш саҳифалар орқали эса шахримиз ҳаётининг муайян йўналиши билан тўлақонли танишиш имконияти мавжуд.

Шулар ҳақида тўхталар экан, Бош муҳаррир келгусида шахримиз туманлари ҳаётини янада кенгроқ қамраб олиш мақсадида, газетанинг муайян сонлари тўлалигича биттадан туман ҳаётига бағишланишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида учрашувда сўзга чиққан туман фаоллари «Оқшом» газета-

Бевоқита мулоқотнинг қизиқарли савол-жавоблар билан ўтганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамиз.

Турсунали ЭРГАШЕВ, туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясининг бош мутахассиси:

Савол: — Илгарилари газета саҳифаларида ҳикоялар, пьесалардан парчалар, эсселар, бадиалар тез-тез бериб бориларди. Нима учун кейинги пайтларда бу мавзулардаги материаллар кам чиқяпти?

Жавоб: — Келаси йилдан бошлаб бадиий йўналишдаги материалларни кўпроқ бериб боришга ҳаракат қиламиз. Иқтидорли ёзувчи, шоирларимизнинг янги ижод намуналаридан чоп

— Тошкент электротехника алоқа институти 1955 йилда ташкил этилган эди, - дейди С.Косимов. - Утган давр мобайнида халқ ҳужалиги учун 30 миңдан ортқ мутахассис тайёрланди. Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришгани олий ўқув юртимиз ривожланишига кучли туртки берди. 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида мудох институтимиз Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантилди. Дастурий махсулот ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, ҳаракатчан радиотелефон алоқа, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассисларни ўқитиш ҳамда тайёрлаш тизими сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди.

— **Ҳозир қайси йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда?**

— Бугунги кунда ўқитиш бакалаврият ва магистратура босқичида ахборот ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, радиоалоқа, радиозиёрат, телевидение, ахборот хавфсизлиги, электрон тижорат, почта хизмати, менежмент, тармоқ иқтисоди, касб таълими ва бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 2 июндаги «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан Тошкент ахборот технологиялари университети мазкур соҳада мутахассисларни тайёрлаш бўйича бош ўқув юрти сифатида белгиланди. Бундан ташқари, янги ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳудудий филиалларни очиб тўғрисида қарор қабул қилинди. Мамлакатимизнинг бошқа барча олий ўқув юртиларида «Ахборот ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар ҳозир Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий бўлимларида ўқишни давом эттириш учун ўтказилди. Келажакда филиалларни алоҳида таълим муассасалари даражасигача ривожлантириш кўзда тутилган.

Бугун филиалларга яқин бинолар, ўқув корпуслари, ётоқхоналар берилди, улар таъмирдан чиқарилиб, янги жиҳозлар, лаборатория ускуналари, замонавий компьютерлар, энг янги адабиётлар билан таъминланди.

— **Ўқув жараёнининг ташкил этилиши тўғрисида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.**

— Юқорида айтиб ўтганимдек, ўқув юрти юбилей арафасида ҳамма бинолар, ўқув ва лаборатория хоналари, ётоқхоналар, спорт корпуслари таъмирланди. Ўқув лабораториялари замонавий компьютер техникаси, офис ускуналари, лаборатория-тажриба мосламалари билан жиҳозланди. Талабалар, ўқитувчи ва ходимлар учун Интернет тармоғига уланган йиғирмадан ортқ компьютер синди ва электрон кутубхона ишлаб турибди. Компьютер тизимлари университетнинг корпоратив тармоғига бирлаштирилган. Кутубхонада барча даврий нашрлар ва ҳамма мутахассислик бўйича энг янги адабиётларнинг электрон каталоги ташкил этилган.

Махсулотларни катта тажриба ва кўникмаларга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ҳамда муҳандис-техниклар жамоаси ўтказмоқда. Кўпгина лаборатория ишлари моделлаштириш имкониятини берувчи виртуал стендларда бажарилмоқда.

— **Бугунги кунда ўқув жараёнида энг янги педагогик технологияларни қўллаш долзарб ҳисобланади. Бу технологиялар университетда ҳам жорий этиляптими?**

— Янги педагогик технологиялар, масофавий ўқитиш ва таълимни глобаллаштириш замонавий таълимнинг учта асосий йўналиши саналади. Жаҳон иқтисодиётида юқори сифатли махсулотлар ишлаб чиқариш ва замонавий хизматлар кўрсатишга қодир мамлакатлар етакчи ўринни эгалламоқда. Юқори сифат ҳам таълим тизимининг энг муҳим масаласи ҳисобланади. Бун-

га биз алоҳида эътибор бераймиз.

Ўтказилаётган юбилей тадбирларида университет ва унинг филиалларининг ўқув-моддий базасини такомиллаштириш, уларни энг янги услублар ва технологиялар билан таъминлашга катта эътибор қаратилган ҳам бежиз эмас. Масалан, UZNET орқали ўқув дарслари ва видеофонференциялар ўтказиш учун аудио-видеотехника ҳамда компьютерлар билан жиҳозланган махсус синфлар ташкил этилди.

Агар яқин тузилмада иккита асосий жараён - фаолият ва ривожланиш баравар амалга оширилсагина, олий касб таълимини такомиллаштириш мумкин. Бироқ, ҳозирча фаолият кўрсатиш устуворлиги сақланиб қолмоқда. Университетда АКТдан ўқув жараёнида фойдаланишга доир ягона концепция ишлаб чиқилди.

Бу очик таълимни ташкил этиш имконини беради, ўқувчининг ёши, яшаш жойи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, билим олиш ҳуқуқини таъминлайди.

Кейинги янгилик - бу табақлаштирилган ўқитишдир. Сир эмаски, ҳозир ахборот

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Тошкент ахборот технологиялари университети 50 ёшга тўлди. Ўзбекистонда кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш устувор йўналишга айланмоқда. АКТни ривожлантириш иқтисодий ўсишни жадаллаштириб, миллионлаб одамлар ҳаётини ўзгартирмоқда. Шу боис, бу технологияларни жорий этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисослашган таълим тизими сифатида боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент ахборот технологиялари университетининг мамлакатимиз илм-фани, миллий таълим тизимини ривожлантириш, АКТ соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни тарбиялашга қўшган ҳиссасини ҳисобга олиб, 2005 йилда ушбу олий ўқув юртининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий ўқув юрти ушбу муҳим санани қандай ютуқ ва муваффақиятлар билан кўтиб олмоқда? Ўза мухбири Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, профессор Содиқжон ҚОСИМОВдан шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

маданияти ёки абитуриентларнинг бу соҳадаги билими мамлакатимизнинг турли ҳудудларида компьютерлаштириш бир хил йўлга қўйилмагани боис номуносиб.

Университетимизда чет тиллар, информатика, ахборот технологиялари, Интернет-технологиялар ва бошқа фанлар табақлаштирилган ҳолда ўқитилади, яъни академик гуруҳ талабалари билим даражасига қараб кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда таълим олади.

Шунингдек, олий ўқув юртида кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда ва бар яқин натижалар бермоқда. Қисқача айтганда, корпоратив тармоқлар ва ахборот узатишининг дискрет тизимларини ташкил этиш, дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш, кўма радиотелефон ва йўлдош алоқани, автоматик коммуникацияни ўрганиш асосий илмий йўналишлар ҳисобланади. Муайян тадқиқот ишлари бўйича қатор патент ва иختиrolарга эга миз.

— **Халқро алоқалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти янги технологиялар соҳасида малакали мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда.

Университетимиз бу борада Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида турли хорижий олий ўқув юртилари, фирмалари, компаниялари ва халқро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Илмий-педагогик кадрларимиз, талаба ва аспирантларимиз Жануби-Шарқий Осиёнинг турли университетларида таълим олмоқда.

Американинг Cisco System корпорацияси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Унинг тармоқ академияси дастурида ўқитишнинг аралаш модели кўзда тутилган. Бу талабаларга ўқув жараёни суръатини мустақил танлаб ва билимларни баҳоланишнинг мақсадли тизимларидан фойдаланган ҳолда, ҳар қандай вақтда ва жойда таълим олиш имконини беради. Умуман қабул қилинган стандартлар ва ечимлардан фойдаланиш орқали маҳаллий ҳамда глобал тармоқларни назарий ва амалий лойиҳалаштириш, уларни яратиш ва техник таъминлаш борасида мутахассисларни пухта тайёрлаш дастурининг асосий йўналиши ҳисобланади.

Яқинда олий ўқув юртида Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот-технологиялари маркази очилди. Марказ Ҳиндистон ҳукумати гранти асосида дастурий таъминот соҳасида мутахассисларни тайёрлаш учун ташкил

этилди. Бунинг учун 700 миң АҚШ доллари ажратилди. Марказ учун турли техника воситалари харид қилинди, ҳиндистонлик маслаҳатчилар маъруза ўқиш учун таклиф этилди, ўзбекистонлик мутахассислар эса юқоридаги мамлакат таълим муассасаларида ўз малакасини оширади.

Ўзбекистон — Ҳиндистон маркази компьютер дастурлари соҳасида мутахассисларни ўқитиш билан шуғулланади. Бу ерда ахборот технологиялари соҳасида профессионал мутахассисларни тайёрлаш режалаштирилмоқда. Улар дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш борасида замонавий билимларга эга бўлади, энг янги Интернет-технологиялар, маълумотлар базасининг дастурий таъминотини ташкил этиш лойиҳалари билан танишади, веб-дизайни ўрганади. Ҳозир мавзулар, ўқитиш мuddати ва таълим курслари йўналишлари ишлаб чиқилди. Давлат хизматчилари, педагогик кадрлар ва талабалар учун ахборот технологиялари кўникмаларига ўқитиш бўйича доимий тренинглр ўтказилади.

Бундан ташқари, Хитойнинг Huawei Technologies Co. LTD компанияси кўмагида яна бир ўқув маркази ташкил этилди. У Марказий Осиёда ягона бўлиб, бир пайтинг ўзида 100 кишига тренинглр ўтказиш учун мўлжалланган. Ўқув маркази энг сўнгги технологик йўналишлар - коммутация ва маълумотлар узатишининг рақамли тизими, кенг полсади фойдаланиш, симсиз тармоқлар, оптик узатиш тизими бўйича ўқитиш имконини беради. Тошкент ахборот технологиялари университети тингловчи ва талабалари жохон бозорига ушбу йirik компания томонидан етказиб бериладиган асбоб-ускуналар ҳамда илгор техник ечимлар билан танишиш имконига эга бўлди.

Шунингдек, бу ерда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хотин-қизларни тайёрлаш маркази ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Мазкур нотижорат таълим тузилмасида ўқитувчиларимиз Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг экспертлари билан биргаликда АКТ соҳасида ўзини касбий даражасини оширишни хошловчи хотин-қизлар учун қисқа мuddатли тренинг-курсларни ўтказмоқда.

Бу курсларда халқ ҳужалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган олти тоифа тингловчилар қатнашмоқда. Ҳозир мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги, шунингдек, Марказий Осиё республикаларидаги хотин-қизлар ҳам ушбу марказ дастурларида иштирок этиш имконига эга бўлиши учун масофавий ўқитиш инфратузилмаси яратилмоқда.

Ешлар фақат ўқиш билан банд бўлиб қолаётгани йўқ. Биз ўқув-тарбия, спорт ишларига ҳам катта эътибор қаратаямиз. Бунинг учун барча шароитлар яратилган, жамоат бошқарув органи - Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, маҳаллий ҳокимият органи вакиллари, ҳомийлардан иборат Васийлик кенгаши самарали фаолият юритмоқда. Шуниси қувонарлики, Васийлик кенгаши кейинги уч йил ичида моддий-техника таъминоти, таъмирлаш-қурилиш ишлари, оммавий-маданий тадбирлар, ижтимоий эҳтиёжлар учун уч миллиард сўмдан ортқ маблағ ажратди.

Мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нуктада замонавий рақамли ахборот технологияларини амалиётга жадал татбиқ этиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Интернет асрида бу технологиялар ҳаётимизга янада чуқур сингиб бормоқда ва нафақат ахборот-коммуникация, балки иқтисодиёт, маданият ва илм-фаннинг бошқа соҳалари учун ҳам кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли университетимиз мутахассисларни сифати тайёрлаш ва мамлакат илм-фанини ривожлантириш билан бир қаторда АКТни тарғиб қилиш, жорий этиш ҳамда тарқатишда кенг иштирок этишни ўз вазифаси деб билади.

Ўза мухбири В.НИКОЛАЕВ
сўзлашди

Шарқ дурдоналари



● Келтиришларича, бир олим киши бир золимнинг уйига борди. Унинг мақсади ноҳақ зулмга учраган бир кишининг гуноҳини сураб олиш эди. Золим қози у олимга:

— Қандай қилиб бу ерга қадам ранжиди қилдилар? — деб сўради.

Олим бўлган воқеани унга айтди. Қози маҳбусни озод қилиш ҳақида бир нарса ёзмокчи бўлибди, қалам қидирган эди, олим унинг очилмаган қаламини олиб, пичоқчаси билан тарошлаб берди. Қози ёзиб бўлгач, олим халиги тарошланган қаламини олиб, учини синдириб ташлади.

— Нега бундай қилдинг? — сўради қози.

Олим унга: — Бу қалам билан зулм қилиш ҳақида бирор нарса ёзмаганим деб қўрдим. Чунки ёзсанг, мен сенга қалам тарошлаб ёрдан берган бўламан! — деб жавоб берди.

Қозиға олимнинг бу гапи қаттиқ таъсир қилди. У ўзининг ёмон ишларидан юз ўгириб, ўйлаб иш тутадиган бўлди. Қози олим ва фозил кишининг бир нафаслик суҳбатидан шуна шараф топди.

● Эй одам, бировларга лутф-эҳсон кўрсатишининг фойдаси ва ўзгаларга чоқ қазувчининг ўзи шу чоғга йиқилиши ҳақида эшит.

Байт:
**Кулфат келмасин,
деб хоҳласанг бошга,
Лутфу эҳсон кўрсат
кекса-ю ёшга!**

Хикоят қилишларича, Мубашшир номли ғулом шундай нақл қилган:

— Менинг хоҳам бир кунги ёзган хатини Муиз ад-Давлага етказишимни сўради. У саройга етиб, ёнига ўтирган ҳам эдимки бир киши кириб келди ва Муиз ад-Давлага деди:

— Агар менга фалонча миқдорда маблағ берсанг, Носир ад-Давлани ўлдириб келаман!

У мазкур таклифни қабул қилди, орада аҳди-паймон қилинди.

Мазкур киши узок вақт Носир ад-Давла саройи атрофида кезиб юрди, кўпгина харажатлар қилди. Ниҳоят Носир ад-Давланинг саройи ҳодимларидан бири билан танишишга муваффақ бўлди. Ходим билан бирга Носир ад-Давланинг иморат ва қасралари орасида сайр қилди. У зимдан Носир ад-Давланинг тунайдиган жойи ва унга қирладиган йўлларни билиб олди. У қоронги тунларнинг бирида Носир ад-Давла ётадиган уйининг яқин жойига яшириниб олди. Носир ад-Давланинг бир хизматкори бўлиб, у доимо ўз хоҳасининг боши томонига ётар эди.

Тун яримлаб қолганда қаср қилган бир дарवेशнинг: «Эй, бедор киши борми, нонориқдан ярим кечада уйдан чиқдим, бола-чақам оч, икки қундан бери овқат ейишгани йўқ!» — деган овози эшитилиб қолди. Носир ад-Давла бу сўзларни эшитиб, юраги титраб кетди, иргиб ўриндан турди, ҳеч қилми уйғотмай, болаши остидаги бир неча дирхамни олиб томга чиқди ва дарवेशга:

— Эй дарवेश, этагингни оч! — деди.

— Уст-бошим йўқ! — деб жавоб қилди дарवेश.

Носир ад-Давла дарҳол устини ечди, пулни унга ўраб, дарवेशга ташлади. Дарवेश унга: «Умринг узоқ бўлсин, бараканг ошин!» — деганича дуо қилиб кетди.

Носир ад-Давла турганда уни ўлдириб қасидада юрган киши фурсатини ганимат бўлиб уйга кирди ва ухлаб ётган ҳодимни Носир ад-Давла деб гумон қилиб, бошини танидан жудо қилди. Носир ад-Давла томдан астагина тушиб уйга киргач ҳодимни ўлик ҳолда қўрди.

Турмуш икки-чакирлари ва хизмат тақозоси билан анчадан буйи қўриқилмай юрган кадрларим бугун байрам баҳонасида уйимга йиғилдилар, ойижонимнинг шодлиғи шодлик қўшилганини қўриб, дилдан қувондим. Қўлимдан келганча дастурхон тузадим.

Мен илгари исми, зотини ҳам билмаган, беўхшов ясашиб олган, ўрта ёшлардаги бир аёлни дугоним Розия бошлаб келди. У аёл билан ҳам юзимизни юзимизга қўйиб салом-лақаб. Чой тортилганда кейин меҳмонлар хайитлик пишириқлар, ширинликларга оғиз теккишди. Бир пайт қарасам боғия хотиннинг ҳолати бошқача. Қош-қовоқларини сузиб, қип-қизил қилиб бўяб олган лабларини буруштириб дастурхонга қия бўлиб ўтирибди.

Унгайзиланган Розия уни дастурхонга таклиф қилди:

— Ўртоқ, бундай тузукроқ ўтириб хайитлик ширинликлардан олиб ўтир.

— Кўп зўрламагин! — деди у аёл қовоқларини янада сузиб, — биз қачонгача мана шундай ўрама деган нарсани домланинг салласидек усти-устига қўйиб олиб худди от жўхори егандек қисирлатиб еб юрамизми? Ваёйгулилар бундай тулларда анжонинг урунмиди? Ҳозир маданиятли уйларда қолбасаларни ялтираб турган вишкарлага чиройли санчиб, оғзини биздек шапиллатмай шундай сиполик билан ейшаркан, виски, брендиларни кутиллатмай томоқдан сузиб ичашаркан. Ажаб зерикдим бу ердан. Ваёйгу дегани нечоғли яхши. Мана шу ҳам кун бўлдими? Қуруқдаги бақадек яшаб!

— Ўртоқ, сенинг мабодо эсинг оғиб қолмадим, — деди Розия аламдан қизариб, — ваёйгу, паёйгу деганларинг ўзи нима у?

— Паёйгу эмас, ваёйгу, у чет эл деган гап, чет эл! Шунга ҳам билмасанг бечора. У хотин шундай деди-да қачонлардир оғизга солиб олган сақичини худди аравақаш отга қамчи урган-дек қарсиллата бошлади.

Ҳаммамиз анчагача жим бўлиб қолдик. Кайфиятимизни бузган боғия хотинга ер остидан қарадим. У ҳамон баланд овозда сақичини чайнади.

— Байрам қилиб келдикми, ёки таъзиягами? — деди яна Розия чидмай, — қўришмаганимизга ҳам кўп бўлди. Соғинганимиз, бироз ҳол-аҳвол сўрашиб, бундай гапгашиб ўтирайлик. Қани Сабоҳат, соҳиби ноҳадон бўлганингдан кейин гапни аввал ўзинг бошла!

— Маъқул, — дедим мен ҳам чўқур бир тин олиб пиёлага чой қўйилган, — бизку ҳафта, ойда бир қўришасам ҳам ватанимизда, бир шаҳарда яшаёмиш. Лекин болагимиздан бирга ўйнаб катта бўлган дугонимиз Чамангул биздан, Ватандан айрилиб чет элда яшапти. Шу дугонимиздан кеча хат келди. Хатида ҳаммамизга йиғлаб туриб салом йўллабди, у хатни ўқибтиб менинг ҳам кўнглим бузилди.

— Жон ўртоқ, аввал шу хатни ўқиб бер! — деди Шамсия юзлари ловуллаб ёнган ҳолда.

— Майли, — дедимда, хатни ўқий бошладим:

"Ассалому алайкум! Азиз дугонаним Сабоҳат, айёминг муборак бўлсин!

Шу тоғда сен Ватанда, она заминда, айём шодлиғига

чўмиб қариндош-уруғ, ёру-биродарлар билан жам бўлгандирсан?

Дугонажон, мана мен ўзимнинг каттагина чорбоғимда айёмни кутмоқдаман. Саройда нафис кашталли оппоқ дастурхонлар солинган столдаги Франциянинг биллур идишларига ҳар хил мураббо, торт, гўшлар, сарийелардан тортиб асл вишкарларча тортилган ноз-неъматлар олдидан эримнинг башанг кийинган дўстларининг аслода хонимлари билан биллур рюмжаларни уриштириб хайит билан бир-бирларини табриклайтган бўлишсада, Ватан бари бир Ватан — ўрама, қўймоқ, ёғли қулча, ёнғоқ, бодом, олма, анор ва бошқалар тизилган юртимизнинг хайитлик дастурхонининг ҳиди бурнингга урилгандай бўлиб кетди. Бу ҳид менга худди онамнинг

қуни кўз олдидан кетмайди.

Ўртоқжон эсингдами? Менинг бошқалар гўзал деб таърифлайдиган бу Францияда энг сиғинадиганим она тилим, менга маком музикларидек оҳангдор, эғизакдек рангдор гўзал она тилимдир!

Энг хавотирланадиганим, болаларимнинг ўз тилини билмай улғайишдир. Шунга ўйда болаларимга доим ўз тилимизда гапираман. Ташқи шароитнинг таъсири тўғрисида болаларим баъзи сўзларимизни тушуноммай қоладилар, баъзида кўнглим учун бу ернинг маҳаллий тилига ўз тилимизни арашлатириб сўзлайдилар. Шу чоғда шунчалик азобланаманки, бағримни ёриб чиққан буларнинг ўз фарзандларим эканлигига ишонгим келмай ёлғиз хонамда юм-юм йиғлайман.

Бу ерда менга ўз тилимни эшитиш имконияти жуда оз бўлгани учун ҳам, тилимиздаги чиройли гап-сўзларнинггина эмас, юртимиздаги кўчага чиқиб олиб бир-бири билан талашадиган вайсақи хотинларнинг хунук гапларини ҳам шунчалик соғиндим. Биласанми Сабоҳат, юртимиздаги ярим кечада гап-гаштак зиёфатидан қайтиб кўчада баралла қўшиқ айтиб юрадиган ширақайф йиғилларимизнинг хиройларини Франциянинг ҳар қандай операларига тенг қилмайман. Агар мана шу қулларда бу ернинг кўчаларида мени бирортаси соф она тилимда сўкса ҳам ҳар биринлар билан кўчқолашиб қўришгандек хурсанд бўлмасмидим.

Азиз Сабоҳат! Мен бу ерда бундай бир қарашда сен қиёслаганингдан ҳам яхши туришса, роҳат-фароғатда яшаётганим билан қаниб соғинчнинг истақларида чок-чок бўлган бир рўхий бечора ватангадоман.

Сабоҳат, мен чет элга тўй қилиб чиқиб кетадиган пайтда сен менга ҳавас қилган бўлсанг, мана энди мен сенга, сендек она-Ватан тупроғига қадам босиб туриб яшаётганларга ҳавас қилаяман. Дугонажонлар, Аллоҳ насиб қилса кейинги хайитга қадар болаларим билан ватанга ота-онамни, юртимни, ёр-биродарларимни кўргани, она заминнинг талқон тупроқларини юзимга уланнинг ўрнида суркагани бормоқчиман. Айёмлик саломимни айём аҳлининг ҳаммасига етказиб қўйгайсан.

Олисдаги ватангад мусофир дугонанг:

Чамангулдан".

Хатни кўнглим бузилган ҳолда ўқиб бўлиб, стол атрофида ўтирган меҳмонларимга қарасам ҳаммасининг кўзлари йиғидан қизариб кетибди. Гарчи ҳаммамиз йиғлаётган бўлсак ҳам, бахтиёр кўзларда қулги табассум балқирди. "Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл!" деган ҳикматнинг тағига мана энди етгандек бўлдим. Ёшли кўзларимда оддий хонамга назар ташладим. Илгари шу қадар оддий чоғлайдиган уйим бугун менга шунчалар чиройли ва баҳор гулларидек хушхидли, уйимдаги ҳамма нарсга ўзгача жилва билан қулиб боқарди. Дўстларим аввалгидан ҳам неча ҳисса қадрдон эди. Боғия (вағулараст) хотин нимагадир ҳали ҳанузгача дастурмоли билан кўзларидоги ёшларини тўхтатолмай антикиб-антикиб йиғларди...

Уйғур тилидан
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН
таржимаси

Гулбаҳор СИДДИК,
уйғур адабиси

СОҒИНЧ ҲИКОЯ

ҳидидек туюлди. Хайит кунлари баланд пештоқларда янграйдиган ноғора, сурнайларга жўр бўлиб самога туташадиган оташқалб халқимизни ҳижрон азобида лахта-лахта қонга тўла юрагимдан соғиндим. Қалта сочларини майда ўриб олиб оддий бўлса-да хайитга атаб тиктирган ярашиллик чит қўйлақларини кийишиб кўчага чиқадиган бепардоз, табиий гўзал қизларни, ранг-баранг, бўялган тўқумларни тишларига уришиб "Қани тут ҳа, йўқ, бу сафар сен тут!" дейишиб тухум чақишадиган мардона сахро йиғилларини соғиндим.

Мана, олдимида Франциянинг аташа одамнинг тили келмайдиган турли-туман ноз-неъматлари турибди. Лекин Турфондаги ёзнинг ёлқинтоғ қўёшига тоблинаб пишадиган ўзум, қовун-тарвузлари кўзим олдидан нари кетмайди. Бутун баданидан гулгилла атир анқиб турган шунча одамлар орасида туриб вужудидан тупроқ ва меҳнат ҳиди келадиган деҳонларни соғиниб, бийдек гўлда ёлғиз қолган одамдек мисқилланиб қоляман. Худди подалар орасида қолган подачи молларини яёловга қўйиб юбориб, ўзи чалқанча ётиб якка хаёл сургандек, мен ҳам уйимга талай меҳмонларни қақириб қўйиб, олим ёлғиз балқонимга чиқиб қўзларимни сарҳадсиз ўзласанг — ўша Ватан томонга тикиб қизларни эслаяман.

Болалик чоғларимизда айём кунлари онам кўз ёш қилсалар нимага йиғларкинлар, деб тушунмаган эканман. Энди ўйласам одам улғайган сари юртини, ота-онасини, қариндош-уруғларини соғиниб гурунглашгани келаркан. Ўтган ишларни эслаб қулгиси, йиғлагиси келаркан. Сен биласанми? Мен асл машинани озода йўлларда ҳайдаб келаётгани, уйимизга эшак аравада ўтириб қизилча ташиган вақтларимни соғинаман. Эрим, болаларим билан денгиз соҳилига сузгани бориб, ёнимиздаги биз доим чўмилидиган анҳорни соғинаман. Хатто ўша анҳордаги эски тегиримон, маҳалламиздаги ромлари қийшайиб қолган қорунки жувозхона ҳам ҳар

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2005 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРДАГИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ТУГАТИЛГАН ҚОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ

№	Қорхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ХТҲТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарор рақами
1	MASHEXTIYOTQISMLARIBUTLASH	М-ҲК	201427617	21.11.1995 584/7	15928280	10-0520/9155
2	YO'LDOSHOY	ХФ	204501530	15.04.2003 707	18936819	10-0520/9156
3	ONNURI	ХФ	204476261	03.04.1903 644 (897)	18985947	10-0520/9157
4	ZAMONDOSH	ХФ	203588068	13.04.2001 779	18029429	10-0520/9158
5	ANOR-FILM	ХФ	200510293	02.05.1994 144/11(1026)	15243044	10-0520/9159
6	AVIA-LYUKS	М-ҲК	202642760	15.09.1998 512 (109)	17127561	10-0520/9161
7	SNN	М-ҲК	203625923	21.05.2001 1098	18107388	10-0520/9162
8	BEREKE	ХФ	204618448	15.07.2003 1151	19141387	10-0520/9163
9	KASKAD-TIBET	ШК	205237233	30.09.2004 000552-03	19781342	10-0520/9164
10	ELLINA	ХФ	200510863	13.06.1994 190/8	15354583	10-0520/9165
11	PAK BIZNES	ХФ	203444040	24.11.1900 1517 (50)	17859689	10-0520/9166
12	ONAJONIM	ХФ	204208110	14.10.2002 1212	18720491	10-0520/9167
13	SHEGA	ХФ	204382808	14.02.2003 384	18879820	10-0520/9168
14	BUMER TRADE	ХК	205154908	02.07.2004 000418-03	19659316	10-0520/9169
15	ABEST	М-ҲК	203592910	19.04.2001 801 (343)	18029783	10-0520/9170
16	TOSH XALQARO REKLAMA FESTIVALI	М-ҲК	203016160	15.10.1999 1688 (381)	17434949	10-0520/9171
17	DIANA-QURILISH	М-ҲК	204706393	30.10.2003 000035-03	19234870	10-0520/9172
18	VIM-METALL-KONSTRUKSIYA	М-ҲК	202629973	20.08.1998 472	17056074	10-0520/9173
19	BOHODIR-STOM	ХФ	204377187	10.02.2003 222	18879441	10-0520/9174
20	AHAMIYAT	ХК	202432444	02.12.1997 653/2	16929399	10-0520/9175
21	ABDUROSUL ABDUROSHID O'G'LI	ХФ	204615776	11.07.2003 1141	19141298	10-0520/9176
22	UZELEKTROTREM SAVDO	ШК	204803305	21.01.2004 000162-03	19321416	10-0520/9177
23	MASTER-NET	ШК	203866552	04.02.2002 116	18373693	10-0520/9178
24	ARTUZ	ШК	203719060	16.10.2001 1879	18245699	10-0520/9179
25	KICHIK VA O'RTA BIZNES RIVOJLANTIRISH HAMKORLIK MARKAZI	ШК	204618431	15.07.2003 1152	19141370	10-0520/9180
26	TAMIRCHI-MEMOR	ШЖ	203621343	03.10.2002 1169	18106029	10-0520/9181
27	ELITE-KLASS-SERVIS	М-ҲК	205246713	18.10.2004 000578-03	19812120	10-0520/9182
28	IJKODKOP	ХХМ	201010338	04.04.1991 353/7(250/7)	14935266	10-0520/9183
29	MAMARAYIM-BARAKA	ХК	204959585	24.03.2004 000262-03	19396029	10-0520/9184

Маъмур қорхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Спорт

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Футбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон Кубоги чорак финал баҳсларининг такрорий беллашувлари мухлисларга ҳаяжонли дақиқаларни ҳада этди.

Аввало, Тошкентда "Бухоро" жамоаси билан куч синашган тракторчилар 1:0 ҳисобидаги ғалабани кўлга киритган бўлсаларда, дастлабки баҳсда қайд этилган 0:5 ҳисобидаги мағлубиятдан сўнг Кубок мусобақаларини яқунлашга мажбур бўлишди.

Шунингдек, ўз майдонида "Навбахор" жамоасини қабул қилган "Локомотив" фўтболчилари меҳмонларга 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Биринчи учрашув ҳам наманганликларнинг 3:0 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланган эди. Яқиндагина миллий чемпионат ўйинларида ўз майдонида "Машъал" жамоасига 0:2 ҳисобида енгилган "Нефтчи" клуби аъзолари Ўзбекистон Кубоги чорак финали учрашувида яна муборақликлар билан куч синашди. Фарғонада бўлиб ўтган муросасиз баҳсда Сарқисян шогирдлари 3:0 ҳисобида меҳмонларни мағлуб эта олишди. Муборак шаҳрида ўтказилган биринчи учрашувда ҳам фарғоналиклар 5:1 ҳисобида мезбонларни енгилди.

Кубок беллашувларининг "Пахтакор" — "Насасф" жамоалари ўртасидаги чорак финал ўйини маълум сабабларга кўра бошқа муддатга қолдирилди. Демак, ҳозирча ярим финалга "Бухоро", "Навбахор", "Нефтчи" жамоалари йўл олишди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Кунни кеча ФИФА томонидан аёллар терма жамоаларининг навбатдаги рейтинг натижалари эълон қилинди.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси 49-уринни эгаллаб турибди. Шуни таъкидлаш жоизки, рейтинг натижаларига кўра Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Марказий Осиё мамлакатлари терма жамоалари орасида биринчи ўринда боришмоқда.

ФИФА рейтингининг умумий рўйхатини Германия терма жамоаси бошқараётган бўлса, иккинчи, учинчи ўринларни АҚШ ва Норвегия терма жамоалари эгаллашган.

(Ўз мухбиримиз)

НОГИРОН БОЛАЛАР СПОРТ МУСОБАҚАСИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда нафақат соғлом, балки жисмонан имкониятлари чекланган ногирон болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда ногирон болалар ўртасида спортни ривожлантириш ва уларни мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун кўплаб имкониятлар яратилиб берилиши аънамага айланиб бормоқда. "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида пойтахтимиздаги 2-сонли болалар мурувват уйида ҳам ана шундай спорт байрами ташкил этилди. Иккинчи олимпиада ўйинларида мамлакатимизнинг Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги мурувват уйи тарбияланувчилари ўзaro баҳс олиб боришди. Даставвал, мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иккинчи сонли болалар уйи тарбияланувчилари ўзлари тайёрлаган концерт дастурларини намойиш этишди. Жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган болалар томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар спорт байрамига йилган меҳмонларга манзур бўлди. Хар бир давлат келажагини ўйлаб болалар соғлигига катта аҳамият беради, зеро мустақил Ўзбекистонимиз келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг қўлидадир. Уларнинг соғлигига бугундан эътибор берилган бўлса, келажақда улардан ўз ватани ва ўз юрти учун содиқ фарзандлар етишиб чиқади, албатта.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркстон-пресс"

Мунажжим башорати

ИЧКИ ТУЙГУЛАРИНГИЗГА ИШОНАВЕРИНГ

27 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНА

Мунажжимлар бугунги кунни қизик таъбир қилишар: бу — кескин ўзгаришлар кунни ҳамда замон ва маконда мўлжал олиннадиган кун эмиш. Эрталаб уйдан чиқаётганингизда, дейди масалалар мунажжим С.Ильичёв, шамол қаёқдан эсаётганига эътибор қилинг — агар у орангиздан урилаётган бўлса — йўлингизда дадил давом этверишингиз мумкин. Мабодо, шамол олдингиздан юзингизга келиб урилаётган бўлса — тўхтаган ва ўйлаб қўйган режангизни амалга ошириш шартмикин — шу ҳақда ўйлаб кўринг. Эҳтимол, сизнинг режаларингиз унчалик тўғри эмасдир ва жиддий тўсиқлар сизни кутаётгандир.

Яна бир эътиборга лойиқ ҳолат — эркаклар учун ўнг томонидан эсган шамол, аёллар учун эса — чап томонидан эсган шамол омадли бўлиб, ўзингиз кутмаган ҳомилар ва уларнинг кўмагига дуч келасиз.

ХАНДАЛАР

Ўқитувчи ўқувчиларни огоҳлантирмоқда:

— Ҳеч қачон ҳайвонларни ўлиб бўлмайд. Бу турли касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ким шундай ҳолга тушганлардан мисол келтира олади?
— Мен, — деди бир ўқувчи.
— Менинг ҳолам доим тўтиқушини ўлгани-ўлган эди.
— Натижа нима бўлди?
— Тўтиқуш ақлдан озди.

Вовка ўқитувчининг кўзойнагига пашшанинг суратини чизиб қўйди. Ўқитувчи дарсга кириб кўзойнагини таққач, пашшани кўрдию, ҳайдаи бошлади. Қанчалик уринмасин, пашша кетмагач, қўлига кўзойнагини олдию, уни чизилганлигини кўриб, жаҳл билан сўради:

— Ким чизди? Болалар Вовкани кўрсатишди.
Ўқитувчи унинг отаси олди-га борди ва шикоят қилди:
— Тасаввур қилаяпсизми, Вовканинг кўзойнагимга пашшанинг суратини чизибди-я!
— Нима бўпти?
— "Нима бўпти" эмиш-а,

дарс бузилди.
— Сиз 45 минутлик дарсни ўйлаяпсиз. Ўтган ҳафта деворга пиволли бочканинг суратини чизиб қўйган экан, кўни-қўшниллар билан ярим кун навбатда турибмиз-а, эгасини кутиб.

Беш миллион сўмга ҳовлисини эндигина сўғурта қилдирган бойвачча сўғурта вакилидан сўради:
— Билмайсизми, бугун кеча мана шу ҳовлимга ўт кетиб қолса, қанча беришаркин?
— Биламан. Беш йил, — жавоб берди вакил.

— Набижон, шу десанг, кеча бозордан чиқиб келаётиб бир тугунча топиб олдим. Ичидо аёлларнинг тилла такинчоклари билан анча пул бор экан. Ўйлаб, ўйлаб мелисага топириб қўйдим. Ҳозир эгасини излашаяпти...
— Ёпирай, ростданми?
— Нега ҳайрон бўлаяпсан. Менинг ўрнимда булганингда сен нима қилган бўлардин?
— Худди сенга ўхшаб ёлгон

Маъиш

БЎЛАЖАК НЕФТЧИ ВА ГАЗЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Илм зиё» нашриётида касб-хунар коллежларида нефт-газ кимёси ва технологияси йўналишлари бўйича билим олаётган ўқувчилар учун янги ўқув қўлланмаси босмадан чиқарилди.

Таърибали педагоглар профессор Қудрат Ахмеров, доцент Кўчкор Каримов ва профессор Абдувахоб Икромовлар томонидан ёзилган «Нефт-газ кимёси ва технологияси» номли ўқув қўлланмаси соҳа бўйича ўзбек тилида ёзилган дастлабки қўлланмалардан биридир. Китобнинг боблари нефт-газ конлари, уларнинг турлари ва тузилиши, нефт-газ қонуниятлари, уларни қайта ишлаш жараёнлари, органик синтезда олинувчи кўплаб маҳсулотлар, полимерлар технологияси, кимёвий таҳил масалалари ва бошқаларни ёритишга

бағишланган. Қўлланмада кўплаб технологиялар, уларнинг схематик кўринишлари, жадвал маълумотлари, ре-акторларда кечадиган жараёнлар ва улар билан боғлиқ жараёнлар изчил ёритилган. Соҳа олимлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Китобнинг серкирра ва мазмундор чиқишида муаллифларнинг, шинам ва диққатни тортувчи бўлишига эса нашриёт ходимларидан рессом Ш.Қаҳҳоров, баддий муҳаррир Ф.Самодов ва муҳаррир И.Усмоновларнинг хизматлари катта бўлган.

ЮНУС ЗИЁДОВ

бор қилинг. Бугун улар сизга кўпроқ нима-лардан эҳтиёт бўлишингиз кераклигини кўрсатиб берувчи индикатор ролини бажаради.

Бу кеча кўриладиган тушлар башоратли ҳисобланади. Улар тўғридан-тўғри таъбир қилинади ва тез орада ўнгидан келади. Кўп туш кўриш, айниқса тақорланадиган ва давомли тушлар омадли бўлади.

Илоҳини қилолсангиз — бугун табиат қўйнида бўлинг: у шифобаҳш таъсир этиб, куч-қувват беради.

Кийимлардан ёрқин бўлмаган, ранги ўнган ёки хира торганлари бугунги кун руҳига мос келади.

БУГУН:

- сафарга, саёҳатга, хизмат сафарига йўл олиш;
 - имкон қадар бугунги кунни дам олишга бағишлаб, тўйиб ухлаб олиш;
 - ишлаш учун қўлай шароитлар яратиш;
 - оилавий муаммоларни ҳал этишга алоҳида вақт ажратиш;
 - кўпроқ вақтингизни яқинларингиз, ҳам-фикр дўстларингиз билан ўтказиш;
 - сузиш хавзаларига, тренажёрлар залига ташриф буюриш тавсия этилади.
- Анча-мунча жиддий хатти-ҳаракатлардан, қораталоқ ва пешоб йўллари хасаталикларда парҳезни бузишдан эҳтиёт бўлинг.

гапирган бўлардим...
Иши юришиб кетган бойваччалардан бири ховлисига қурилиш муҳандисини олиб келиб деди:
— Мана бу ерга учта ховуз: биттасида иссиқ сув, иккинчисида совуқ сув бўлади. Буни-

сида эса ҳеч нарса бўлмайди, қуруқ туради...
— Қуруқ ховуз нега керак, — ҳайрон бўлиб сўради муҳандис.
— Дўстларим орасида сузишни билмайдиганлари ҳам бор, нодон, — жавоб берди бойвачча.



Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

<p>Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ</p> <p>Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32</p> <p>Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.</p> <p>Ҳажми — 2 босма таъбик офсет усулди босилган. 2496 нусхада босилди. Қўзғо биринчи А-3</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563</p>	<p>Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.</p> <p>Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.</p>
---	--	--	--